



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ
11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 192 (9838).

1990 йил
9 октябрь
сешанба

Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон ССР

Вазирлар Кенгашида

6 октябрь куни Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши Раёсатининг мажлиси бўлди. 1990 йилги мева ва сабзавот маҳсулотларини йиғиштириб олиш, харид қилиш, етказиб бериш ва сақлаш билан боғлиқ аҳвол кўриб чиқилди.

Хужуматнинг бир қанча қарорлари қандай бажарилаётгани назорат тартиб-да кўриб чиқилди.

Хужуматнинг Вазирлар Кенгаши Раёсатининг мажлисида Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

• ҲОСИЛ—90 •

• ҲОСИЛ—90 •

ОМАДЛИ ДЕҲҚОНЛАР

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ» ОТАЛИФИДАГИ «МОСКВА» ЖАМОА
ХУЖАЛИГИ ЧИНОЗДА БИРИНЧИ БУЛИБ МАРРАГА ЕТДИ

БИЗ ИЛГАРИ пахтакорни мақтардик, кўнларга кутардик. Лекин, ана шу пахтакор эртаю-кеч чағи, захар ютуб, қилган меҳнати эвазига арзимас ҳақ олаётганлиги, бола-чақасининг камига етказиш билан мустақ бўлаётганлиги билан ичимиз йўқ эди. Гўёки, мақтов, оқшлар пул ўрини босадигандек туюларди.

Энди олдингидек мақтовлар эшитилмапти. Бригада бошлиғи «қизил шапка»лиларни эргаштириб, одамлар-

ни пахтага ҳайдаётгани йўқ. Ўқувчилар мактабларда бемалол ўқишпти, ҳар ким ўз ишини қилапти. Хуллас, оператив штабларсиз, баир-чақирсиз пахта терса бўларкан. Фақат пахтакор меҳна-ти чинакам надранса, унга ўз вақтида мўмай ҳақ тўлаб турилса бўлди.

«Москва» жамоа хужалиғи бош бухгалтер Маҳаммад Эгамбердиев шундай деди: — 3-бригада теримчиси Адолат Абдуқодирова мавсум бошидан бери минг сўм-

дан зиёд пул олди. Илгариги тартиб бўйича оладиган иш ҳақи 250 сўмга ҳам етмасди.

Ҳозир чамаан-чамаан очилган лайкаллар талаш. Илгари ҳисобчи теримчиларни шо-ширарди. Энди эса ўзи те-рилган пахталарни тортишга улгура олмай шошиляпти. Биринчи бригада теримчиси Акбар Исоқжонов биринчи ўн кунликда нақд 200 сўмини санаб олди.

Механизаторлар хирмонга баракка киритишмоқда. Дав-латга топширилган 1450

тонна пахтанинг анчаги-насини шулар териб бериш-ди. Бобомурод Худойкулов бултур машинада пахта те-ришда ноҳияда биринчилик-ни эгаллаб, енгил автомаши-на билан мукофотланганди. Бу йил ҳам бундай келмади. Хирмонга 100 тоннадан ош-ириб пахта тўқди.

Хурсанд Бўрибоев бош-лиқ бригада аъзолари пахта планини 28 сентябрда ноҳия-да биринчи бўлиб адо этиш-ди. 71 гектар майдондан 213 тонна ҳосил йиғиштириб ол-динди. Улар хирмон салмо-ғини 250 тоннага етказишга аҳд қилишди.

— Ўтган йили ҳам мар-рага биринчи бўлиб етган эдик. — дейди жамоа хужа-лиғи бошқарувининг раиси Жамолиддин Араббев. — Хали далаларда ҳосил кўп. Менимча жамаи пахтаиш 2 минг тоннага бориб қолса керак.

Деҳқонлар ҳосилнинг бар-часини биринчи навга сотили-шдан катта манфаат кўра-дилар. Лекин, бу йил экин-ган «С-6524» нави фақат ик-кинчи навга ўтказилди. Му-тахассислар у ГОСТ талаб-ларига жавоб бермапти, де-йишмоқда. Демак, хужалик-лар давлатга топширган пах-таларнинг ҳар тоннасида 100 сўмдан пулни кам олиш-моқда. Бизнингча, олимлар пахтакорлар фойдасини ўй-лаб, бу борада жиддийроқ бoш қотиришлари керакка ўхшайди.

Хали ҳосил сероб. Уни тез-лик билан йиғиштириб олиш учун барча имкониятлар иш-га солинмоқда. Чунки, амал-га оширилган ишлар кўп: колхозчилар ҳосилдан буша-ган гўзаюпарларни йиғишти-риб олишлари, ерлар ўғит-ланиб, шудгорланиши керак. Олдингидек юқоридан кўр-сатма кутиб туришлар йўқ эди.

«Москва»ликлар мажбу-рийларини ҳам сўзсиз бажар-дилар, голиблик байроғи, пешқадамлик мавқеини ҳа-миша ўзларида сақлаб қола-дилар.

Э. ТОШМАТОВ.

ТЕРИМ КУНДАЛИГИ

Вилоятимиз ноҳияларида пахта тайёрлашнинг бориши

тўғрисида 8 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фонд ҳисобиди)

Биринчи устун — ноҳиялар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган, учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — машина терими бир кунлик; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Коммунистик	2,70	82,40	3,14	98,68
Ўрта Чирчиқ	2,77	77,41	3,54	94,67
Бекобод	1,33	75,57	1,41	76,94
Оқдўрғон	3,08	72,73	3,84	79,89
Бўка	2,86	70,90	3,62	80,06
Пискент	2,12	69,52	2,48	67,65
Чиноз	2,78	68,39	3,54	61,80
Ғалаба	3,19	67,39	3,79	78,11
Янгийўл	2,39	56,87	2,66	56,15
Вилоят бўйича:	2,57	71,66	2,99	74,99

• Шу сонга хабарлар

СУРЪАТНИ ПАСАЙТИРИШМАЯПТИ

● ҒАЛАБА. (Жамоатчи мухбиримиз Д. Камолов те-лефон орқали хабар қилди). Ноҳияда йиллик режани ба-жариб ғалаба рапортига им-зо чекаётган бригадалар, бўлиб ва устаклар сафи кундан-кунга ортиб борапти. Кеча эса ноҳия бўйлаб даст-лабки йирик хушхабар тар-қалди. «Заря коммунизма» жамоа хужалиғи деҳқонлари биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш режасини бажар-дилар. 1179 гектар ерда деҳ-қончилик қилган пахтакор-лар қабул нуктиларига 3450 тоннадан зиёд хом ашё ет-казиб беришди. Шунинг д-қатта сазоворки, ҳосилнинг



СУРАТЛАРДА: (чолда) Жа-моа хужалиғи партия ташки-лот котиби Серикбой Оқи-боев йилги-терим аянни қиз-ки-ки кезларда ҳам деҳқонлар-ни сўғити янгиликлардан та-бардор қилиб туради. Тасви-рда тушрилган бу пахта Ху-рсанд Бўрибоев бошлиқ 3-бригадада олинган. Пахтага тўлган навабатдаги бункер бў-штирилмоқда.

Бугунги кўп ҳосилда бош агроном Абдукарим Юсупов (юқоридеянинг ҳам катта ҳис-саси бор) Теримчилар ўрмас-даги мусобақада Усен Аҳме-довга тенг келадиган бўлма-пти. У кунга 100 килограмм-дан ошриб пахта термоқда. А. РАҲИМОВ суратга туширган.

Совриндор бўлсак, ажаб эмас

МАЪЛУМКИ, шу кунларда ви-лоятимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида, хужалиқ ва та-шкилотларида, идора ва муассаса-ларида обуна мавсуми қизгин да-вом этмоқда. Жойлардаги алоҳи-да ходимларнинг, жамоатчи матбуот тарқатувчиларнинг, рўзномалар муҳлисларининг ишлари анча ти-ғизлашди. Уларнинг асосий меҳна-ти, куч-ғайрати, ташаббуси обуна-ни ушшоқлиги билан ўтказишга қаратилган.

«СИЗЛАРДА ОБУНА ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?». «Тошкент ҳақиқа-ти» муҳарриратининг вакили Р. Умаров шу савол билан Тошкент вилояти матбуот жамиятлари уюшмаси раисининг ўринбосари Р. Г. Бағлаевага мурожаат қилди.

— Биз бу йилги обуна мавсумини кўнглимиздаги ҳар душман кунинг а-лтират мақлисида шу масала, албат-та, муҳимроқ эътилоб. Мавсумнинг шаксан раисимиз Усмон Мирзамо-вич Мирзаев ўз зиммасига олган, десак ҳам бўлади. Чунки обунанинг боришини ноҳияма-ноҳия, ташиқ-лотма-ташиқлот аниқлаб чиқади. Ҳо-зира «Тошкент ҳақиқати», «Таш-кентская правда», «Советская торго-вая», «Ўзбекистон адабиёти ва сан-атини», «Еш ленинчи» рўзномаларига эътилоб дуруст кетапти. Сизнинг рўзномангиз бўйича муштарийлар сонини 1625 тага етди. «Тошкентская

псевдонимки эсе 820 дан ошди. Обу-на ишлари билан бевоқифа шугулла-наётган киши — ташкилий-оммевий бўлимининг мудир Шайх Гераевич Сагдеев бўлади. У кишига раҳ-мат, ҳозирча топшириқнинг удрис-дан яхши чиқапти.

— Дарҳақиқат матбуот жамиятла-ри уюшмаси бўйича обуна ўтказиш менга юқлатилган, — деди Ш. Саг-деев. — Нима ҳам дейиш мумкин... Газеталарга эътилоб баҳосининг ош-иш бизни қўчимади. Мен кунда, кунор вилоятимиздаги ноҳияларга, матбуот жамиятлари уюшмаларига, ташиқлотларга бориб туришман. Ало-қа бўлимининг аниқ рақамларини олаётган. Олганлар, Янгийўл, Ўрта Чирчиқ, Бекobod ноҳияларида бўлди. Бўка, Бекobod ноҳиялари, кооператив савдо бошқармаси кор-хоналарида одамлар рўзнома ва журналларга кўнлаб эътилоблар. «Тошкент ҳақиқати»га қизиқиб катта эътилобни айтиб, сизни мануал эти-шим мумкин. Обунани намунали уюштирган, муштарийлар сонини оширишга энг кўп ҳисса қўшганлар-ни мукофотлаш тўғрисида конкурс эълон қилганимиздан хабаримиз бор. Совриндор бўлиб қолсак, ажаб эмас!.. Уюшмани бўйича «Тошкент ҳақиқати»га эътилоб муштарийлар со-нини 2 мингдан ошаришга ҳаракат қиламиз. Бу рақамни рўзномангиз орқали бемалол эълон қилишингиз мумкин.

• Мулоҳаза, устак, таклиф

Микдорини кўпайтириш лозим

Кейинги вақтларда ўзбек тилида чиқаётган кўпчилик на-шрлар ўз муштарийлари ҳурмати-ни қозонмоқда. Бу — бежиз эмас, албатта. Чун-ки мавзуларнинг ранг-баран-глиги, ҳар бир сонда ҳеч бўлмаганда битта муммо кўтариб чиқилаётганлиги, энг муҳими — ёритилаёт-ган мавзулар ҳақининг кўн-глидаги армон ва хоҳишлар билан ҳамоҳанглиги ўзбек матбуотининг бугунги кун-даги катта ютуғидир.

Муштарийлар эътибори-га лойиқ бўлган нашрлар қаторида «Тошкент ҳақиқа-ти» рўзномасини алоҳида қайд этиш мумкин. Биз ҳи-замат юзасидан кўпала маҳал-ла кўнгаларни клубларида, чойхоналарида бўлиб тура-миш. Қадим машойишлар: дў-стинг кимлигини айтсанг сен-нинг кимлигини айтман, — дер экинлар. Ўзимиз иш-тирок этган маҳалла-қўй-лардаги йиғинларда ҳар бир одамдан унинг дўсти ким эканлигини сураш им-кониятига эга эмасмиз. Аммо ким қайси рўзномани севиб ўқиши билан кўп ма-ротаба қизиқамиз. «Тош-кент ҳақиқатининг» муҳлиси сифатида фахр билан айти-шимиз керакки, қачон ва қачонда ким қайси рўзномани севиб ўқиши ҳақида сура-ганимизда, ўша даврда доимо «Тошкент ҳақиқати» рўзо-

масининг муштарийларини кўпалаб учратганмиз. Шу ўринда бир нарсани алоҳида қайд этиш лозим. Ҳизмат юзасидан борган ма-ҳаллаюртимизда шахримиз-даги жой номлари билан бо-ғлиқ ҳамда «ЎзССК»нинг дав-лат тили ҳақида Қонун-нинг амалда тадиқ этили-ши юзасидан шахримизда бўлаётган воқеаларини «Тош-кент ҳақиқати» рўзномасида ҳам ёритиб боришимизни жуда кўп марта илтимос қи-лишар эди. Шу илтимослар-га асосланиб, шаҳар Ата-малар комиссияси «Тошкент ҳақиқати» рўзномаси жамоа-си билан бирга жумҳурият-нинг «Давлат тили ҳақидаги Қонунига Тошкент шаҳри-даги ташиқлотлар қай да-жада эътибор қилаётганли-ларини ўрганиб бориш учун доимий текширувлар ўтказ-иш ҳақида ўзаро келишиб олдилар. Ҳозирги кунгача комиссиямиз рўзнома хо-димлари билан биргаликда учта рейд ўтказдилар ва ў-казилган рейдлар тафсилоти фотоларлар билан рўзо-ма саҳифаларида бериб бо-рилмоқда. 1991 йилда ҳам шаҳар Атамалар комиссия-си ва «Тошкент ҳақиқати» рў-зномаси бу хайрли ишни да-вом эттирди. Давлат тили ҳақидаги Қонунинг амалда тадиқ этилиши бўйича шаҳ-римизда бўлаётган янгилик-лар, ўзгаришлар ҳар бир

хонадон учун қизиқарли бўлса керак. Шу мавзудаги текширув тафсилотларидан доимо хабардор бўлишни ис-таганлар учун «Тошкент ҳа-қиқати» рўзномасига обуна бўлишни маслаҳат берамиз.

Сўнги сўзмиш рўзнома муҳарриратига: Хурматли муҳаррират! Қўпгина дав-раларда рўзнома тиражи камлиги ҳақида айтилган гапларни эшитганмиз. Мат-буот нашрлари савдо дўкон-чаларига чиқарилаётган «Тошкент ҳақиқати» рўзо-масини харид қилиш учун навабатда турган муштарий-лар рўзнома тиражи кам-лиги сабабли уни ололма-й қолаётганликларида кўп марта гувоҳ бўлганмиз. Биз-нинг бу мулоҳазаларимиз ҳақида обуна якунига қадар тегишли ташиқлотлар билан бир алмашасизлар деган умиддамиз. Чунки кўп ми-ллионли аҳолиси бор Тош-кент вилояти ва шаҳри учун рўзноманинг ҳозирги тиражи дентгиздан томчи деган гап.

Дилмурод САИДОВ, шаҳар Атамалар комис-сияси раисининг ўри-нбосари.

Мирхон ОРИПОВ, Тошжирокун Обод-лаштириш Бош бош-қар-маси шаҳарни ташиқ бе-заш бўлиши бошлиғи.

ПАХТАНИ ТЕЗ КУНЛАР ИЧИДА ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШ ОМИЛЛАРИ

Жумҳуриятимиз далаларида деҳқонлар меҳнатининг энг долзарб палласи — пахта йи-гим-терими даври давом эт-моқда. Бу йилги терим аввал-гига қараганда жуда юксак унум билан олиб боришмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири — теримчиларга эътибор, уларнинг моддий манфаатдор-лиғи оширилганлигидир. Ҳо-зирг кунда жумҳуриятимиз-нинг аксарият хужаликларида қўл теримда иштирок этаёт-ганларга теримган пахтанинг ҳар килограммига 25 тийин-дан, машинада терилган пах-танинг эса 1 тоннаси учун 10 — 15 сўмдан ҳақ тўланмоқда.

Шу кунгача пахтакорларимиз-нинг уйган хирмонлари 4 миллион тоннага яқинлашди. Жумҳуриятимизнинг жуда кўп хужаликлари ўз оқликлари-га қўйилган режаларини бажари-ш арафасида турибдилар. Терил-ган пахта асосан I ва II навга топширилмоқда. Далалардаги пахтанинг машина билан ик-кинчи терими ҳам қизгин бош-ланиди.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хў-жалиғи давлат кооператив ко-митети мавжуд ҳосилни тез кунлар ичида ҳес-нобўд қил-май, йиғиб олиш ва теримчи-ларни рағбатлантириш мақса-дада колхоз ва совхозларга ўзининг 5 октябрдаги буйруғи билан қўйишларини тавсия қилди:

— Машинада ердан йиғиш-тириб олинган пахта ва терил-ган кўсак учун (бир тонна

пахта ҳисобида) — 30 сўм.
— Кўрак чувиш машинасида тозаланган ҳар бир тонна пах-та учун
тракторчиларга — 6 сўм
ҳар бир ишчига — 5 сўмдан
— кўрак териш ва ерга тў-қилган пахтани кўлда териб оли-нса, теримчиларга тоза пах-танинг ҳар бир килограмми учун, аввалгидек 25 тийиндан тўланади.

Теримда иштирок этувчилар-га оширилган навад иш ҳақи колхоз ва совхозларнинг ўз иш ҳақи фондлари ва пахта харид нархларига берилган қў-шимча ҳақ ҳисобига тўланади.

Терим даврининг охириги пал-ласида териладиган пахтага оширилган нархда иш ҳақи тў-лаш хужалиқ учун зарар кел-тирди деган фикр туғилиши мумкин. Лекин мутахассислар-нинг ҳисоб-китоблари бу фикр-нинг нотўғри эканлигини кўр-сатмоқда.

Тошкент вилояти Бекobod районидagi «КПСС XXV съез-ди» совхозда қилинган ҳисоб-лар, IV навга пахта учун ҳам оширилган нархда иш ҳақи тў-лаш хужалиқ учун ҳам қандай зарар келтирмаслигини кўрсат-моқда.

Бу йилги об-ҳавонинг яхши келиши муносабати билан сов-хозда пландаги 1394 тонна ўр-нинча 700 тонна пахта IV на-вга давлатга топширилиши мўжжалланмоқда. Шундан 210 тоннаси кўрак териш машина-лари билан терилиб, ҳар тон-

насига 30 сўмдан ҳақ тўланса, иш ҳақи фондларининг 6,3 минг сўми сарфланади. Ерга тўқил-ган пахта ва кўсакни қўл кучи билан терилиб, уни тоза пахта-га айланттирилган ҳосил бўл-ган 490 тоннасининг ҳар кило-граммига 25 тийиндан ҳақ тў-ланса, иш ҳақи фонддан 122,5 минг сўм кетади. Кўрак чувиш машиналарида ишлан-ган тракторчиларга пахтанинг ҳар бир тоннасига 6 сўмдан, тўрт ишчига 5 сўмдан ҳақ тўланса, иш ҳақи фондларининг 18,2 минг сўми сарфланади, жаъми хар-ражат 147 минг сўмини ташкил қилади ёки планда кўрсатил-ганига нисбатан 53,7 минг сўм қўшимча пул тўланади. Лекин бунда ҳам хужалиқ ҳеч зарар кўрмайди.

700 тонна пахтани IV навга топширишдан келадиган даро-мад эса 259 минг сўмини таш-кил қилади. Харажатларни чи-қариб ташлаганда, хужалиқ учун қолаётган даромад 112,0 минг сўмини ташкил қилади. Шу даромаднинг бир қисми пахтани кўришти, юклаш, та-шини ва бошқа ишларга сарф-ланганда ҳам хужалиқ учун фойда қолдиш кўриниб туриб-ди.

Шундай қилиб, юқорида кўр-сатилган усулда пахтанинг ерга тўқилгани, кўсакни ёғин-сонинча қолдирмасдан териб оли-нса ва уларнинг ноубуд бў-лишига йўл қўйилмаса, хужа-лиқ бундан сира зарар кўрмайди, аксинча у фойда ол-ган бўлади.

обуна
бўлдингизми?



ХУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

1991 йил газета ва журналлари учун обуна 31 октябрга-ча давом этади. Келаси йилда ҳам «Тошкент ҳақиқати» газетасини мунтазам олиб туришни истасангиз шу кунларда унга обуна бўлишни унутманг. Бунинг учун «Союзпечать» агентлигига ёки иш жойингиз-даги, ўқув юрти ва турар жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатув-чиларга мурожаат қилсангиз бўлади. Улар сизни келаси йил мат-буоти учун обуна қилиб қўйишади.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна исталган муддат учун қабул қили-нади.

Эслатиб ўтаемиз: газетанинг обуна баҳоси 1 йилга — 15 сўм 60 тийин.

СССР МИНИСТРЛАР КЕНГАШИДА

СССР Министрлар Кенга-ши меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шароит

яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақса-дида дам олиш кунини 11 ноябрь яқинида — кундан 1990 йил 9 ноябрь, жума кунига кўчирини тўғрисида қарор қабул қилди.

Шу қарорда корхоналар ва ташиқлотларга насаба уюшмалари комитетлари билан келишиб, 10 ноябрда ишлашга рухсат этилди. 10 ноябрдаги иш учун, томон-ларнинг келишувига муво-фиқ, бошқа дам олиш кунини ёки иккинчи баъравар микдорда пул берилиши мумкин. Хо-димнинг истигига мувофиқ бу кун вилоят отпускасига қўшилиши ва отпуск кун-ларига тўланадиган тартиб-да ҳақ тўланиши мумкин.



маълум бўлган эди.

